



2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

Assalomu alaykum, azizlar!

BESHARIQ TONGI

Gazeta 1932 yil 15-maydan chiqib boshlagan.

2023 YIL 18-FEVRAL

SHANBA, № 7 (9044)

(Bahosi kelishilgan narxda)

Beshariq tumani
hokimligining
ijtimoiy-siyosiy
nashri

Gazeta haftada bir
marta chiqadi

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

Айни пайтда энергия тежамкорлигини ошириш, экологик тоза, ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки қайта тикланувчи энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, аҳоли ва халқ ҳўжалигининг барча тизимларини электр қуввати билан йилнинг ҳамма пайтида барқарор таъминлаш, ер ости бойликлари захираларини тежаш баробарида экологияга чиқарилаётган зарарли газларнинг миқдорини камайтириш имконини беради. Шу боис бутун дунёда иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

Кейинги йилларда республикамизнинг саноат тармоқларига “яшил иқтисодиёт” тизимини жорий қилиш, ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, инновацион тараққиётни жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва бу борада қабул қилинган қарори мазкур йўналишдаги ишларни янада жонлантирди. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар энергияни истеъмол қилиш соҳасидаги қатор муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, ноанъанавий энергетика ресурсларидан, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида янги имкониятларни очди.

Туманда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Жорий йил 8 февраль кунини Юртбошимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида туманда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш бўйича туман штаби тузилди.



Штаб томонидан жорий йил сентябрь ойига қадар, жами 2,2 МВт. қувватга эга қайта тикланувчи энергия манбааларини жорий этиш бўйича бюджет ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар ва аҳоли хонадонлари кесимида рўйхатлар шакллантирилди. Жумладан:

- 44 та ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида қуввати 0,5 МВт.ли;
- 71 та тадбиркорлик субъектларида қуввати 0,7 МВт.ли;
- 419 та аҳоли хонадонларида жами қуввати 1,0 МВт.га тенг қайта тикланувчи энергия манбааларини жорий этиш режалаштирилди.

Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбааларини ўрнатадиган 2 та таъминотчи корхоналар билан музокара олиб борилди.

Мазкур режага асосан жорий йил 15 февраль кунига қадар, жами 34 та объектларга 0,2 МВт.га тенг қуёш панеллари ўрнатилди. Жумладан, 16 та ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида жами қуввати 0,129 МВт., 18 та хонадонларга 0,075 МВт. қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилди.

Қуёш панеллари ўрнатиш орқали уларга бериладиган переференциялар ва олинган электр энергиянинг давлат томонидан кафолатли сотиб олиниши бўйича кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳамда амалий семинарлар олиб борилмоқда.

Режага асосан жорий йилнинг сентябрь ойига қадар қайта тикланувчи энергия манбааларини тўлиқ жорий этиш ишларини якунлаш таъминланади.

Президентимизнинг фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини жойларда аҳолининг кенг қатлами билан ўтказилаётган мулоқотлар жараёнида тарғиб қилиш, муқобил энергия манбаларининг афзалликларини тушунтиришлар талаб этилади.

Келажакда иқтисодиёт тараққиётини инновацион технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу йўналишда эса муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга.

Т. САМАДОВ,
туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари.

АНЪАНА



Ёшларни ватанпарвар ва комил инсон қилиб тарбиялашда анъанага айланиб қолган – уч авлод вакиллари-нинг учрашувлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН ТАРБИЯ УСУЛИ

Бешариқ шаҳридаги 2-касб-хўнара мактабидан ўтказилган навбатдаги «Уч авлод учрашуви» қизиқарли ва таассуротларга бой бўлди.

Мактаб фаоллар залига касб-хўнара эгаллаётган ёшлар, ўрта ва кекса авлод вакиллари – узоқ йиллар шу билим даргоҳида таълим-тарбия берган устозлар, собиқ ўқувчилар тўпланишди. Тадбирни вилоят Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши раиси 3. Раҳмонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг ўқувчилар томонидан Ватанни улуғловчи шеърлар ўқилди.

Тадбирда шу илм масканида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрий устозлар, ветеринар Абдуваҳоб Ҳасанов, таълим мураббийси Мавлудахон Акбаров, Барчинов Низомовалар сўзга чиқишиб, билим ва хўнара эгаллашнинг аҳамияти ҳақида ўз ҳаётий тажрибаларидан гапи-

риб беришди. Тадбирда туман “Бешариқ тонги” газетаси бош муҳаррири С. Темиров, мудофаа-га кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти раиси Б. Насриддинов, Нуронийлар жамоатчилиги кенгаши туман бўлими раиси О. Исомиддиновлар Юртбошимиз томонидан ёшлар олдида қўйилган вазифалар, билим ва хўнара эгаллаш, хорижий тилларни билиш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шу мактаб ўқувчиси Моҳинур Нуриддинова ёшлар номидан сўзга чиқиб, Президентимиз ва фахрийларимиз ишончини оқлаб, Ватан раънақида ўзимизнинг ҳиссамизни қўшамиз, дея дил изҳорини айтди.

Тадбир адабий-бадиий чиқишлар билан якунланди.

(Ўз муҳбиримиздан).



СУРАТЛАРДА: «Уч авлод учрашуви»дан лавҳалар.



МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга ва халққа қилган Мурожаатномасида ҳар бир соҳани тубдан ислоҳ этиш назарда тутилган. Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ўз фикрларини ҳар бир йўналиш бўйича изчил ифодалаб берди.

ЭЗГУ МАҚСАД
САРИ

2023 йил Юртбошимиз томонидан “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”, деб эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатнинг ривожланиши ва аҳоли фаровонлигига адолат билан ёндашув ўзининг самарали натижасини беради. Инсон манфаатлари таъминланган юрт эса жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Оила муқаддас даргоҳ бўлиб, тарбиянинг муҳим ўчоғи ҳисобланади. Таълим эса тарбия билан боғланган ҳолда ҳар бир ёш авлоднинг улғайиши учун жуда катта аҳамият касб этади. Таълим бериш жараёни ҳам ўзининг бир қанча афзалликларига эга. Алишер Навоийнинг

Ҳақ йўлида ким сенга бир
ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг
ҳақин юз ганж ила,

деган мисраларида ҳам ўқитувчилик, мураббийлик машаққатли касб ва узиб бўлмас қарз эканлиги ҳақида сўз боради.

Президентимиз ўқитувчининг мақомини, унинг шаъни ва кадр-қимматини Конституцияда белгилаш ва ҳимоя қилиш кераклиги ҳақида гапирди. Нима учун ўқитувчининг мақомини ошириш, унинг кадр-қимматини юксакларга кўтариш ҳақида гап бормоқда? Чунки ҳар бир ёш авлоднинг келажаги ана шу устоз-мураббийлар қўлидадир. Билимга чанқоқ, ота-онасига меҳрибон, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш ва таълим бериш йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш ва яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш лозим.

Буюк бобокалонимиз Аҳмад Югнакий айтганидек: “Билим



билан саодат йўли очилади, шунга кўра илмли бўл, бахт йўлини изла”. Дарҳақиқат, доимо изланишда бўлган одам ҳеч қачон тўхтаб қолмайди. Унинг изланиши, камол топиши учун эса билимлар бўлоғи бўлган китобнинг аҳамияти катта. Китобга ошно бўлган инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Чунки у бекорчи нарсаларга вақтини кетказмайди.

Юртбошимизнинг “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда”, деган ғоясига таянган ҳолда биз ҳам келажак авлодга яхши таълим-тарбия бериб, Янги Ўзбекистоннинг ривожига билимли ёшларни етиштириш орқали ўз ҳиссамизни қўшсак, Ватанимиз олдидаги вазифани бажарган бўламиз. Зеро, таълим ривожига томон қўйилган ҳар бир қадам эзгу мақсадлар сари етаклайди.

С. ҚҲҶҚОРОВ,
17-мактаб директори,
туман Кенгаши депутати.

ВАТАНПАРВАРЛИК

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбийлар томонидан ўтказилаётган тадбирлар барчада катта қизиқиш ва таассурот уйғотиши сир эмас.

ЁШЛАР ҚИЗИҚИШИ
ОРТДИ

Яқинда чегара қўшинлари-га қарашли ҳарбий қисм зобит ва аскарлари иштирокида 2-касб-хунар мактабида ҳамда туманимизнинг чегара олди ҳудудида жойлашган 9-, 28-, 51-умумтаълим мактабларида ватанпарварликни улғуловчи тадбирлар ўтказилди.

Тадбирларда ҳарбийлар армия ҳаёти, аскарнинг бир куни, Ватаннинг ҳар қарич ери муқаддаслиги, уни ҳимоя қилиш ёшларнинг бурчи эканлиги, армия ва халқнинг яқдиллиги ҳақида ўқувчи-ёшларга гапириб беришди. Қўрол-яроғни ишлата билиш кўникмаси, ҳарбий техникалар, армияда хизмат итлари-дан фойдаланишнинг фойдали

жиҳатлари бўйича маълумотлар берилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган тадбирларда туман ҳокимининг чегара масалалари бўйича ёрдамчиси ў. Эргашев, “Маънавият ва маърифат маркази” туман бўлими бош мутахассиси Н. Деҳқонов, афғон уруши қатнашчиси, ёзувчи Ғ. Пўлатов, фахрий Р. Ҳайдаровлар иштирок этиб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўз мухбиримиздан.

СУРАТДА: 2-касб-хунар мактабида ўтказилган тадбирдан лавҳа.

ОДИЛ СУДЛОВ

КИРИТИЛАЁТГАН
ЎЗГАРТИШЛАР

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида 2023 йил 16 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармонда суд тизимига бир қанча ўзгаришлар киритиш на-

зарда тутилган. Хусусан, туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш;

- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

- вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш;

- юқори инстанция судлари то-



монидан ишни янгидан кўриш учун қўйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юклаш кабилар шулар жумласидандир.

Фармон билан Олий судга уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ўшбу фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, мазкур фармон билан 2023 - 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

М. МИРМАҚСУДОВ,
Ўзбекистон туманлараро
иқтисодий суди раиси.

ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИДА

2022 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари масъулиятини ошириш мақсадида республика ва маҳаллий даражадаги бўғинларнинг функционал чегаралари белгиланди.

Жумладан, 2023 йил 1 январдан:

- республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида хўжалик бошқаруви органларининг раҳбари вазифасини бажариши тақиқла-

нади;

- уюшма ва бошқа хўжалик бирлашмаларига давлат ҳокимияти ваколатларини бериш ва уларнинг раҳбарларини Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан лавозимга тайинлаш амалиёти бекор қилинади.

Барча республика ижро этувчи ҳокимият органларининг қарийб 5 минг функциялари ҳатловдан ўтказилиб, 500 га яқин такрорланадиган, ўз аҳамиятини йўқотган ҳамда амалга ошириш механизмлари билан таъминланмаган функциялар

аниқланганлигини инобатга олган ҳолда республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари функцияларининг очиқ реестри шакллантирилиб, доимий юритиш амалиёти йўлга қўйилади. Функциялар ягона реестрини электрон тарзда юритиш имконини берадиган “Давлат функциялари” автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими юритилади.

Мазкур Қарорга биноан, 2023 йил 1 январдан, синов тариқасида, Адлия вазирлиги тизимида идоравий буйруқ, қарор ва фармойишларни “Е-қарор” электрон тизими орқали қабул ва эълон қилиш амалиёти йўлга қўйилади.

А. ҒАНИЕВ,
туман адлия бўлими
етакчи маслаҳатчиси.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари энди икки давлатга ID-карта орқали бемалол ўтишлари мумкин.

ID КАРТА ОРҚАЛИ

Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи давомида 2006 йил 3 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисидаги Битимга ўзгаришлар киритиш тўғрисида Баённома амалга оширилди.

Унга кўра, эндиликда Ўзбекистоннинг барча фуқаролари Қирғизистонга, худди шундай Қирғизистон фуқаролари Ўзбекистонга ID-карта орқали киришлари мумкин бўлади (илгари фақат хорижга чиқиш паспорти билан мумкин эди).

Фуқароларнинг чегарадан кириш-чиқиши ҳақидаги маълумотлар электрон тарзда қайд этилади, паспортга штамп босишга ҳолат қолмайди.

Ушбу енгиллик исталган транспорт орқали (самолёт, поезд, автомобиль, автобус ва ҳ.к.) чегарани кесиб ўтишда амал қилади.

Мазкур тартиб имзоланган



ҳужжатлар иккала давлат томонидан тегишли тартибда тасдиқлангандан сўнг кучга кирди. Бу тахминан 1-2 ой вақт олишини маълум қилишмоқда.

Ушбу тартиб, айниқса, Ўзбекистоннинг эксклав ҳудудлари бўлган Сўх, Шохимардон, Чўнғара каби ҳудудларидаги юртдошларимиз учун катта енгиллик бўлади, уларнинг чегарадан ўтишларидаги ортиқча бюрократияга чек қўяди.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунгача ҳали бирорта давлат билан ID-карта орқали ўзаро бориб-келиш тартиби йўлга қўйилмаган эди. Қирғизистон биринчиси бўлди.

Ўз А.

МУТАХАССИС ОГОҲЛАНТИРАДИ

ЭРТА БАҲОРДАН
КЕЧ КУЗГАЧА...

Кўпйиллик, зарарли, карантин бегона ўт ҳисобланган судралувчи какра ўсимлигининг кўпайишига қарши чора-тадбирлар айтиш ҳозирдан бошланиши зарур.



Судралувчи какра кўпйиллик карантин бегона ўт ҳисобланади. Какра тупроқнинг 65 см.ли қатламида бир гектар майдонда ўсиб, барча илдиз ва илдизпояларининг узунлиги қарийб 25 км.га етади. Бу ўт тупроқдаги

озуқа моддаларни маданий ўсимликларга нисбатан 2-5 марта кўпроқ сўриб олади.

Бундан ташқари, у ўздан бошқа ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини секинлаштириб, тўхта-тиб қўювчи модда ҳам ажратиб

чиқаради. Шунинг учун ҳам маданий ўсимликларнинг ривожланишига салбий таъсир этувчи бу карантин организмга қарши вақтида кураш олиб бориш зарур.

Какранинг пояси шохланган бўлиб, ўсимлигининг баландлиги 20 см.дан 40 см.гача тик ўсади. Илдизи ўқилдизли, яхши ривожланган. Гуллари икки жинсли, беш аъзоли, қизил рангдаги бошоқсимон саватчасимон тўпгулларда жойлашиб, новданинг учиди ҳосил бўлади. Уруғи тескари туҳумсимон, учлари понасимон қисқариб борадиган, япалоқ, силлиқ, сохта меванинг ичиди ҳосил бўлади.

Новдаларининг ривожланиши ва пайдо бўлиши эрта баҳордан бошланади ва кеч кузгача давом этади. Какра май-июнь ойларида гуллайди, мевалари июнь-июль ойларида пишиб етилади. Бу давр, одатда, бошоқли ғалла экинлари ҳосилини йиғиш пайтига тўғри келади.

Ўсимлик бутунлай йўқ қилиниши жуда қийин. Кўпгина мамлакатларда карантин бегона ўтлар рўйхатига киритилган. У тупроқдан сув ва эриган минерал моддаларни кучли ўзлаштиради. Унга қарши кураш чоралари қаторига уруғлик материалларни қатъий назорат қилиш, алмашлаб экиш, какра тарқалган далаларни иккинчи йил шудгорлаш киради. Унга қарши умумлашган кураш чора-тадбирлари билан биргаликда кенг аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ж. АБДУРАПИҚОВ,
вилоят ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси туман бўлими инспектори.
Ш. САЙДАҲМЕДОВ,
агроном-энтомолог.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Ҳар қандай давлатнинг тарихи, бу - биринчи навбатда, унда яшайдиган халқнинг тарихи, аҳолисининг сони ва таркиби, иқтисодий ва ижтимоий тавсифларида ўз ифодасини топади.



Аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади. Рўйхатга олиш якунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакни прогноз қилиш мумкин.

Рўйхатга олиш — аҳолининг ёши, жинси, миллий таркиби, маълумот даражаси, никоҳ ҳолати, бандлиги ва бошқа тавсифлари ҳақида маълумотлар олишнинг ягона ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли ҳисобини юритиш амалиёти илк бор милоддан аввалги уч мингинчи йилликдан бошланган. Бу жараён дастлаб Осиё ва Африка давлатлари, Миср, Месапотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Японияни қамраб олган. Аҳолини

рўйхатга олишдан мақсад солиқ тўловчилар ва аскарликка яроқли аҳоли сонини аниқлаш бўлган. Шунинг учун ҳам бу жараёнда, асосан, эркаклар рўйхатга олинган. Чунки ўша пайтларда эркакларнинг иқтисодий ўрни юқори бўлган, солиқ тўлашда фақат улар, яъни оила бошлиқлари қатнашган.

Илк ўрта асрларда мазкур тартибот бирмунча такомиллашган. Аҳолини ҳисобга олиш элементлари ҳўжаликларнинг ёзма китоблар, кадастрлардаги тавсифлари билан уйғунлашган. Уларда одамлар ёки оилалар эмас, балки уй-жой каби солиққа тортиш бирликлари биринчи ўринга қўйилган.

Ф. ДАВЛАТОВ,
туман статистика бўлими бошлиғи.

ОЛОВ - ТИЛСИЗ ЁВ

ҚУРИЛИШДА
ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

Жамият ривожланиб боргани сари замонавий, кўркам бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Албатта, бинолар қурилишлари замон талабларига мос, фойдаланиш учун қулай бўлиши давр талабидир.



Айтиш жоизки, бундай бино ва иншоотларни қуриб, фойдаланишга топширгунга қадар неча-неча инсонларнинг меҳнати, маблағ сарф этилади. Шундай экан, қурилаётган бино ва иншоотларнинг узоқ йиллар давомида инсонларга хизмат кўрсатиши учун лойиҳалаштиришда меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши муҳим.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг вазифамиз. Янги, замон талабларига мос ва чиройли бинолар, албатта, йиллар давомида инсонларга хизмат қилиши учун уларда ёнғиннинг олдини олиш ва бошқа қулайликлар бўлиши шарт. Шунинг учун янги қурилишни лойиҳалаштиришда, биринчи ўринда, ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя этилиши, уни таъминлаш ва қўшни биноларга за-

рар етказмаслик, иш жойида ҳар хил чиқиндиларни сақлаш ёки уларни ёқиш қатъиян ман этилади. Бино ичиди ўзбошимчалик билан лойиҳадан ташқари қурилиш ишларини олиб бориш, электр тармоқларини монтаж қилиш тақиқланади. Хоналарнинг шифт қисми ёнғин вақтида тез ёнувчи ва ўздан заҳарли модда тарқатувчи пластик қопламалар билан қопланиши кўп ҳолларда ёнғин содир бўлишига ва кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келмоқда. Бу ва бошқа камчиликлар фуқароларни қўтқариш, эвакуация ишларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун қурилиш жараёнида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Б. МУСАЕВ,
Учкўприк тумани ФВБ НТБ бошлиғи.

Меҳнат таътили тушунчасини қисқача маъноси, бу - ходимга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун бериладиган вақт. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги Меҳнат кодексига биноан ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган 48 иш кунидан кўп бўлмаган муддат билан йиллик меҳнат таътили берилади. Меҳнат таътиллари турлича бўлади, яъни йиллик асосий таътил, асосий узайтирилган ва қўшимча йиллик таътиллар. Меҳнат кодексининг 134-моддасида ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилиши белгиланган. Кодекснинг 135-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга ҳамда ишлаётган 1- ва 2-гурӯх ногиронлиги бўлган шахсларга ўттиз календарь кунидан иборат, уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилиши белгиланган.

Кодекс моддаларига биноан меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга ва оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажараётган ходимларга йиллик қўшимча таътиллар берилади. Йиллик қўшимча таътиллар меҳнат тўғрисидаги қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади. Бундан ташқари меҳнат қонунчилигимизда ходимларга ижтимоий ва иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар ҳам назарда тутилган. Меҳнат кодексининг 149-

ХАБАРДОРМИСИЗ?

Республикамиз меҳнат қонунчилигига биноан барча ходимлар, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

ЙИЛЛИК
АСОСИЙ ТАЪТИЛ

моддасида “Ижтимоий таътиллар” ҳақида маълумот берилади. Қонунчиликка кўра ходимлар ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парваришлаш, ўқиш билан боғлиқ ва ижодий таътиллар каби ижтимоий таътиллар олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Кодекснинг 150-моддасида ходимнинг аризасига кўра иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкинлиги, лекин бу таътилнинг давомийлиги 12 ойлик давр мабойида 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги кўрсатилган.

Таътиллар мавзусига ҳориж тажрибаси бўйича қарайдиган бўлсак, бизга яқин қўшни мамлакатларнинг меҳнат қонунчилигида белгиланган таътил турларида жиддий фарқ мавжуд эмас. Фақат бизда йиллик асосий таътил Россия Федерацияси, Қозоғистон ва Тожикистон Республикасида ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътиллар, деб юритилади ва уларнинг давомийлиги ҳам сал бошқачароқ. Россия Федера-

циясининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилнинг давомийлиги 28 календарь кунидан иборат. Қозоғистон меҳнат қонунчилигида асосий ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилнинг давомийлиги 24 календарь кунидан иборат, деб кўрсатилган.

Тожикистон Республикасида асосий ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътилнинг давомийлиги 24 календарь кунидир.

2022 йил 28 октябрда Президентимиз «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Янги Меҳнат кодексига йиллик асосий таътил тури ҳар йилги меҳнат таътили, деб номланди. Унга асосан энг кам меҳнат таътилининг давомийлиги йигирма бир календарь кунни ташкил этади.

Ф. ЖЎРАЕВ,
туман юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ЁДИ

2023 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ундан кўзланган мақсад жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири - буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг беқиёс илмий-ижодий меросини халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг адабий-эстетик тафаккурини шакллантиришдан иборатдир.

САТРАЛДАРДА САРҒАЙГАН СОҒИНЧ

Толе йўқи бошимга
балолуғ бўлди,
Ҳар ишниким, айладим
хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, ҳинд сори
юзландим,
Ё раб, нетай, не юз қаролиғ
бўлди.

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур мумтоз шоир, қомусий олим, давлат арбоби сифатида бутун дунёга маълум ва машҳурдир. Яқинда Президентимиз томонидан шоир таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Хусусан, ҳар йили шоир туғилган сана 14 февралда республикаимиз бўйлаб турли тадбирлар ўтказилади. Бу йил ҳам жойларда ғазалхонлик кечалари, китоб тақдимотлари, давра суҳбатлари, адабий-бадиий кечалар ўтказилмоқда.

Туман маданият уйи билан ҳамкорликда «Асрларни бўйлаган Бобур» мавзуда адабий-бадиий тадбир ўтказилди. Тадбирда туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизларни



қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Г. Йўлдошева, «Маънавият ва маърифат маркази» туман бўлими бош мутахассиси Н. Деҳқонов, фахрий журналист З. Ҳайдаров, шоира М. Аҳмаджоновалар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Туман маданият бўлими миллий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан айтилган куй ва қўшиқлар кечага фойз бағишлади. Бешариқ АКМ

мутахассислари «Бобурнома» - мемуар асар» мавзуида китоб кўргазмаси ташкил этишди, библиографик шарҳлар берилди.

Айни кунларда туманимизда «Бобур асарларининг билим-дон», «Бобур – рубоийнавис», «Бобур ва ёшлар», «Бобур ва «Бобурнома» мавзуларида савол-жавоб, тақдимотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

СУРАТДА: Бобур таваллудига бағишланган тадбирдан.

УЛУҒ ЮРТ УЛУҒЛАРИ

Аждодларни хотирлаш, маънавий меросини ўрганиш, тафаккуримизга сезиларли руҳий озуқа беради. Уларнинг ижодини англаган, ўғитларига амал қилган ёшлар маънан бой бўлиб камолотга етишадилар.



Туман ахборот-кутубхона маркази маданият бўлими ҳамда 45-мактаб билан ҳамкорликда улуғ бобомиз ғазал мулки-

нинг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан тадбир ўтказди.

Муболағасиз айтиш мумкин, улуғ мутафаккир Алишер Навоий ва унинг замондоши, темир-рийзода Бобур таваллуд топган февраль ойи ёшларнинг мумтоз адабиётимизга бўлган муҳаббатининг намойишига айланиб улгурган ва бу давом этмоқда.

Халқ, ҳақиқат ва нафосат ўлмайди, уларни ардоқлаган, куйлаган улуғлар ҳам мангудир. Навоий ва Бобурнинг эпик асарларида ҳам, лирикасида ҳам Ватан туйғуси маҳорат билан улуғланган. Мамлакатимизнинг ҳар бир мактабда, ташкилот ва муассасаларда уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий кечалар бўлиб ўтмоқда.

Ушбу тадбир иштирокчиларда Навоий ва Бобур ижодини ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширди. Фаол қатнашчилар туман ахборот-кутубхона маркази томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**С. БЕРДАЛИЕВА,
М. ПАРПИЕВА,
туман АКМ ходимлари.**

ҲАМИША БАРҲАЁТ

Тадбирда буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган саҳна асарларидан кўринишлар намойиш этилди. Шоир қаламига мансуб ғазаллар ва рубоийлар

ўқувчилар томонидан ёддан айтилди. Ўқувчиларга ғазал мулкининг султони ҳаёти ва ижодига доир янги маълумотлар берилди.

Н. ЗАЙЛОВА.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗ

ЎҚУВЧИ ТАЛАБА БЎЛДИ

Бешариқ шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси мuddатидан аввал талаба бўлди.

Мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шаҳризода Жалолдидинова мuddатидан аввал АҚШнинг нуфузли олийгоҳларидан бирининг талабасига айланди.

Шаҳризода Widener университетига грант асосида қабул қилинди.

Иқтидорли ўқувчи ўз устидан тинимсиз ишлашни қанда қилмайди. Изланишлар ҳамда интилишлари туфайли 6 балли IELTS халқаро сертификатини қўлга киритди. У ҳозирги кунда РDP университетига томонидан ўтказилаётган математикадан республика фан олимпиадасининг биринчи босқичига



муваффақиятли ўтди.

Шаҳризоданинг келгусида бундан ҳам юксак даражаларга эришишига ишонамиз.

(Ўз мухбиримиздан).

СПОРТ

“ЖАРБОШИ” – ҒОЛИБ



Кулолобод МФЙ ёшлар етакчиси ташаббуси билан футбол мусобақаси ташкил қилинди.

Турнирда туман МФЙларидан 30 та ёшлар жамоаси иштирок этди. Мусобақа финалида Ватан МФЙ, “Жарбоши” жамоаси Товул МФЙ жамоасини мағлуб этиб, бош совринни қўлга киритди. “Яккатут” жамоаси 3-ўрин

соҳиби бўлди. Финал учрашувини 2000 нафарга яқин мухлис-лар кузатиб борди.

Ғолибларга кубок ҳамда қимматбаҳо совғаларни туман ҳокимининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари О. Алиматов топширди.

(Ўз мухбиримиздан).

СУРАТДА: футбол мусобақасидан лавҳа.

БУ - ҚИЗИҚ!

ОЗУВЧИЛАРГА СУПЕР НОН

Британиянинг Quadram институти олимлари ўтказган тадқиқотда «нўхатдан олинган ҳужайрали ун» оддий буғдой унга солиштирилди, деб ёзди Daily Mail.

Дуккакилардан олинган бошқа унлардан фарқли равишда ўзгача усулда янчилган нўхат уни фойдали толаларни сақлаб қолади.

Ундан тайёрланган нон кам ейилса ҳам узоқ вақт кишини тўқ тутати, озишда ёрдам беради.

«Махсус янчилган нўхат ундан тайёрланган нонни еганларнинг қонида тўқлик гормонлари сезиларли даражада юқорилиги аниқланди», дейилади тадқиқотда.

Xabar.uz, дан.

MUASSIS:
BESHARIQ TUMANI
HOKIMLIGI

Tuman hokimligining rasmiy veb-sayti www.beshariq.uz



Bosh muharrir
Sobirjon TEMIROV

Mas'ul navbatchi
Rahimjon MIRZAULOV

Sahifalovchi
R. RAZZOQOV

Tahririyat manzili:
150301. Beshariq shahri,
Cho'ipon ko'chasi, 22-uy.
beshariqtongi12@uamail.uz

Telefonlar:
Muharrir: (73) 612-14-12
Hisobchi: (73) 612-14-13

Gazeta tahririyat komp'yuterida
terilib, sahifalandi va «Andijon
nashriyot-matbaa» MChJ
bosmaxonasida ofset usulida chop
etiladi.

Bosmaxona manzili: Andijon
shahri, Navoiy shohko'chasi, 71-uy.
Nashr ko'rsatkichi - 7577.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
Matbuot va axborot agentligining
Farg'ona viloyat hududiy boshqar-
masida 9.01.2007 yilda 12-021 raqami
bilan ro'yxatga olingan.
Bichimi: A-3. Adadi 5121
Buyurtma:
Topshirish vaqti: 14.00
Topshirildi: 15.00